

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲОКИМИЯТИ

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

**ИННОВАЦИОН ФАН-ТАЪЛИМ
ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
БАРҚАМОЛ АВЛОДНИ ВОЯГА
ЕТКАЗИШДАГИ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ**

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ

30 май 2014 йил

I-китоб

Тошкент-2014

Қорақалпоғистон худудларининг сугориладиган қисмида 1966 — 1969 йилларда биринчи бор йирик масштабда тупрок — тадқиқот ишлари «ЎзДАВЕР лойиха» институтининг «Ер кадастри» шуъба корхонаси томонидан олиб борилди. Унинг натижасида сугориладиган тупроқлар хар томонлама ўрганилиб, Республика хўжалиқларининг 1:10000 ва туманларининг 1:25000 микёсли тупрок хариталари тузилди ва уларга тушунтириш хатлари ёзилди. Хўжалиқлар ва туманлар хариталарини умумлаштириш асосида 1969 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг 1:200000 микёсли тупрок харитаси тузилди. 1960 йиллардан бошлаб Амударё ва Сирдарё-ларнинг суви сугориладиган майдонларни кенгайтиришга сарфланганлиги туфайли, Орол денгизининг сув сатхи пасайиши ва унинг натижасида Қорақалпоғистон Республикасининг шимолий ва марказий қисмларида грунт сувлари сатхининг кескин пасайиши кузатила бошлади. Бу ўз навбатида гидроморф тупроқларнинг автоморф тупроқларга айланиши, яъни тупрок профилининг қуришига олиб келди. Орол денгизи сатхи пасайиши ва саҳролашиш жараёни таъсирида тупроқларнинг эволюцион ўзгаришлари ва характерлари В.Г.Попов, В.Е.Сектименко, А.А.Турсунов (1982, 1985, 1987) ишларида кўрсатиб берилган.

Саҳролашиш жараёнининг тупроқларнинг турли хоссаларига таъсири Л.Т.Турсунов (1989), Х.Т.Рискиева (1989), М.М.Тошқўзиев (1994) ва бошқа олимларнинг ишларида очиб берилган.

Юқорида исми шарифлари кайд этилган ва кўплаб бошқа олимларнинг илмий ишлари натижаларидан диссертациянинг тегишли бобларида, махсус масалалар ёритилаётган пайтда фойдаланамиз.

Ўтган асрнинг охирларига келиб, Амударё куйи оқими, хусусан Қорақалпоғистон Республикасида мураккаб экологик вазият вужудга келди. Энг аввало, сув тақчиллиги туфайли, шўр ювиш ишлари ўз вақтида бажарилмаганлиги сабабли, сугориладиган ерларнинг иккиламчи шўрланиш жараёни кучая бошлади. Шунингдек, сугориш сувларининг минерализацияси ошиб, уларнинг сифати бузилди. Ана шуларнинг натижасида, сугориладиган ерлардан олинадиган ҳосил кескин камайиб кетди. Юқорида кайд этилган ноҳуш ҳолларнинг олдини олиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Тупроқшунослик ва агрохимё институти 1992-1998 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси сугориладиган тупроқларни комплекс ўрганиш, уларнинг унумдорлигини баҳолаш, мелиоратив, экологик ҳолатини яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида илмий — тадқиқот ишларини олиб борди. Бу ишларнинг натижасида Қорақалпоғистон Республикаси тупроқларининг 1:25000 микёсли тупрок, бонитировка, мелиоратив, экологик хариталари тузилди ва туман тупроқлари, улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар жамланган монографиялар чоп этилди.

Адабиётлар

1. Р. Кузиев, В. Сектименко “Почвы Узбекистана” Т. 2009
2. У. Тожиев, Х. Намозов “Ўзбекистон тупроқлари” Т. 2004

ИНСЕКТИЦИДЛИ ДЕФОЛИАНТЛАРНИНГ ҒЎЗА КЎСАКЛАРИНИНГ ПИШИБ ЕТИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИГА ТАЪСИРИ .

Б.З .Тўхтаев, А.А.Қодиров¹, Ф.Ж Тешаев, Н .Ражабов².
ТошДАУ¹, ЎзПИТИ²

Республикада пахтачилик соҳасини янада ривожлантириш, селекция ва уругчилик ишларини такомиллаштириш, кам харажат талаб этиб, юқори ва сифатли ҳосилдорликка эришувчи ресурс ва манба тежовчи илғор агротехнологияларини ишлаб чиқиш кишлок хўжалигининг долзарб вазифаларидан ҳисобланади [4]. Дефолиация пахта йиғим-теримида терим суръатини оширади. Ғўза дефолиацияси ўз вақтида ва сифатли ўтказилса, ғўза барглари тўлиқ тўкилишини таъминлайди, қатор ораларида хаво аэрацияси яхшиланиб, ўсимлик қуёш иссиқлиги ва нуридан самарали фойдаланади ҳамда дефолиантлар таъсирида ўсимлик танасида физиологик жараёнларнинг бузилиб, моддалар кайта тақсимланиши натижасида кўсақлар пишиб етилиши тезлашади.

Маълумки, ғўза дефолиацияси барг тўкилишини таъминлаш билан биргаликда кўсақлар очилиши тезлашишини ва биринчи терим салмоғини ошириш билан бирга совуқ ва ёғингарчилик кунларга қолмасдан териладиган ҳосилнинг кўпайиши ҳисобига пахта сифатини яхшилашдан иборатдир. Натижада, машина ва қўл терими салмоғини ошириш мақсадида ҳосилни қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш имконияти яратилади[3].

Демак, инсектицидли дефолиантларнинг самарадорлигини белгилашда ғўза кўсақларнинг пишиб етилиши ва очилишига таъсирини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Олинган маълумотлар I-жадвалда келтирилган [5].

I-жадвал

Дефолиантларнинг ғўза кўсақларининг пишиб етилиши ва очилишига таъсири.

Т	Вариант	Қўллаш меъёри, кг, л/га	Дефолиациядан олдин кўсақлар очилши, %	Кўсақлар очилиши, %							
				7-кундан сўнг				14-кундан сўнг			
				очилгани	Назоратдан фарқи	ярим очилгани	очилиш тезлиги	очилгани	назоратдан фарқи	ярим очилгани	очилиш тезлиги
1	Назорат	-	47,3	56,0	-	4,3	8,7	65,1		4,1	17,8
2	УзДЕФ-И	6,0 л/га	48,1	75,1	19,1	4,3	27,0	86,4	21,3	3,5	38,3
3	УзДЕФ-И	7,0 л/га	47,4	75,8	19,8	6,2	28,4	89,9	24,8	2,4	42,5
4	УзДЕФ-И	8,0 л/га	41,4	70,8	14,8	10,0	29,4	87,7	22,6	2,3	46,3
5	Сардор –И	5,0 л/га	43,0	73,8	17,8	3,7	30,8	84,0	18,9	4,3	41,0
6	Сардор –И	6,0 л/га	47,2	75,4	19,4	3,7	28,2	89,9	20,8	3,5	42,7
7	Сардор –И	7,0 л/га	44,2	79,0	23,0	3,3	34,8	91,1	26	3,1	46,9

Олинган натижаларга кўра, кўсақларнинг очилиши 14-кунга келиб назорат варианты яъни дефолиация ўтказилмаганда кўсақларнинг очилиши 65,1 % га тенг бўлди. УзДЕФ-И дефолиантини 6,0-7,0-8,0 л/га меъёрларда қўлланилганда кўсақларнинг очилиши 14-кунга келиб, 86,4-89,9-87,7 % ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан очилиш тезлиги 21,3-24,8-22,6 % ни ташкил қилди. Сардор-И дефолиантини 5,0-6,0-7,0 л/га меъёрларда қўллаганимизда кўсақларнинг очилиши 84,0-89,9-91,1 % ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан очилиш тезлиги мутаносиб равишда 18,9-20,8-26,0 % ни ташкил этди. Шунингдек, ўтишимиз керакки, дефолиантларнинг меъёри ошган сари кўсақларнинг очилиш тезлиги ортиб бориши кузатилди [1].

Хулоса

Дефолиантларга инсектицид аралаштириб қўллашнинг биологик самарадорлиги бўйича 2013 йилда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларидан қуйидаги дастлабки хулосага келиш мумкин: УзДЕФ-И дефолиантини 6,0-7,0-8,0 л/га меъёрларда қўлланилганда кўсақларнинг очилиши 14-кунга келиб, 86,4-89,9-87,7% ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан очилиш тезлиги 21,3-24,8-22,6 % ни ташкил қилди. Сардор-И дефолиантини 5,0-6,0-7,0 л/га меъёрларда қўллаганимизда кўсақларнинг очилиши 84,0-89,9-91,1 % ни ташкил қилиб, назоратга нисбатан очилиш тезлиги мутаносиб равишда 18,9-20,8-26,0 % ни ташкил этди [2].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Айриянц О.Ш. Испытание новых дефолиантов // 1990. - № 5. –С.36.
2. Айриянц О.Ш. Экологически безопасный дефолиант // Сельскохозяйственная Узбекистана. -1991. -№ 6.-С. 8.
3. Айриянц О.Ш. Влияние дефолиантов на численность сосущих вредителей и хищников в посевах хлопчатника // Защита растений. -1994. -№ 11. С. 32-33.

ЎРТА ТОЛАЛИ “АНДИЖОН-37” ҒЎЗА НАВИНИ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТАДБИРЛАРИ.

А.А .Қодиров, Б.З .Тўхтаев, Б.Хайтов, Н.Дурдиев

ЎзПТИ, ТошДАУ.

Республикада етиштирилаётган пахта толасининг ички ва ташки бозор талаблари инobatта олинган холда ғўза навлари хосилдорлиги ва унинг сифатини ошириш, турли тупрок иклим шароитлари мисолида навлар парваришини ишлаб чиқиш, ҳамда амалиётга жорий этиш жуда муҳим бўлиб, бу каби масалаларни ҳал этишда экилаётган янги районлаштирилган ва истикболли ғўза навларини биологик хусусиятларига кўра маълум тупрок-иклим-мелиоратив шароитидан келиб чиқиб ўрганилиши зарур. Шунингдек, экилаётган ёки экиш учун тавсия этилган янги ғўза навларининг сув-ўғит (NPK) меъёрлари ва суғориш тартибини ўрганилган холда уларни сув

танкислигига-курғокчиликка, озикага талабини аниқлаш айникса сув танкислиги кузатилаётган кейинги йилларда амалий аҳамиятга эгаллиги сезилиб колди [6].

Юкоридагиларни инобатга олган холда ЎзПТИнинг тажриба далаларида аввалдан суғориб дехкончилик килинадиган, ер ости сувлари сатхи 10 метрдан чуқур бўлган типик бўз тупроқлар шароитида 2012-2013 йиллари дала тажрибалари ўтказилди. Тадкикотлар ЎзПТИ нинг услубий қўлланмаси асосида олиб борилди.

1-жадвал

Минерал ўғитларни қўллаш муддатлари (соф холда кг/га)

Тартиб раками	Қўллаш муддатлари	1-меъёр			2-меъёр		
		N	P ₂ O ₅	K ₂ O	N	P ₂ O ₅	K ₂ O
1	Кузги шудгор олдиан	-	90	50		100	55
2	2-4 чин барг чикқанда	50	43	-	60	54	-
3	Шоналашда	70	-	45	80	-	55
4	Гуллаш бошланганда	70			80		
5	Йиллик меъёри	190	133	95	220	154	110

Тажриба вариантлари 3 та такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир бўлакча 8 катордан эни-4,8 м, бўйи 100 м, майдони 480 м², шундан ҳисоб майдони 240 м² ташкил этди. Ўрта толали Андижон-37 ғўза навининг хосилдорлиги икки хил ўғит меъёрларида (N-190, P₂O₅-133, K₂O-95 кг/га ва N-220, P₂O₅-154, K₂O-110 кг/га) ва учта суғориш тартибларида ЧДНСга нисбатан (65-65-60%, 70-70-60%, 70-75-60%) да ҳамда шу суғориш режимларига нисбатан киёсий таҳлил килиниб суғориш олдиан ғўза барги шираси концентрасияси ўсув нуктасидан учинчи ва тўртинчи барглар олиниб қўл рефрактометри ёрдамида аникланиб ўрганилди [5].

Тажриба даласи тупроғининг агрофизик хусусиятлари (механик таркиби, чекланган дала нам сифими (ЧДНС), сув ўтказувчанлик, хажм оғирлиги, тупроқ зичлиги) ўсимликни ўсиш ва ривожланиши билан боғлиқ фенологик кузатувлар июн, июл, август, сентябр ойларида ўрганилди. Ўсимликларнинг сув-озика тартиблари, тупроқ агрофизик хусусиятларига узвий боғлиқ холда вариантлар асосида ўрганилиди [3].

Ўсимликни ўсиш-ривожланиши, хосил тўплаши ва пишиши, уларни парваришладдаги сув-озика меъёрларига бевосита боғликлиги кузатилди. Навнинг ўсиш-ривожланишига суғориш ва озиклантириш тартибларининг таъсири мавсум бошланишиданок кузатувларимизда кўзга ташлана бошлади. Бу амал даври охирида янада аниқроқ кўринди. Сентябрь ойининг бошида олинган кузатувларимиз маълумотларига кўра бош поя баландлиги Андижон-37 навида сув озика меъёрларига мос равишда 101,2-118,7 см ни ташкил этган бўлса, кўсаклар сони 10,5-12,6 донагача, назорат С-6524 навида 11,0-11,3 донагача тўпланганлиги аникланди [2].

Ўрганилаётган ғўза навида суғориш меъёрларининг 65-65-60% дан 70-75-60% га, NPK нинг 190-133-95 кг/га дан 220-154-110 кг/га га оширилганда ғўза ниҳолларининг бироз ўсиб кетганлиги, кўсакларнинг нисбатан кечроқ очилиши кузатилди.

Андижон-37 ғўза навида хосилдорлик назорат (С-6524) навида нисбатан 3,2-6,2 ц/га кўп хосил олинганлиги кузатилди. Бунда Андижон-37 ғўза нави 65-65-60% намликда, мавсумий суғориш меъёри 5140-4999 м³/га ни, NPK нинг 190-133-95 кг/га берилганда ялпи хосил 44,8-48,3 центнергача етди, бир дона кўсакадаги пахта вазни 5,1-5,8 гр.ни ташкил этди. Назорат С-6524 ғўза навида эса 70-70-60% намликда мавсумий суғориш меъёри 5510-5100 м³/га ни, ўғит меъёри NPK нинг 200-140-100 кг/га берилганда ялпи хосил 38,0-45,1 центнергача етди, бунда терим олди кўчат қалинлиги 72,4-83,6 минг туп гектарига ташкил этди. Бир центнер пахта хосили олиш учун сарфланган сув сарфи гектарига 114,2-103,5 м³/га бўлди [1].

Хулоса

Типик бўз тупроқлар шароитида, ер ости сувлари 10 метрдан пастда бўлган ер майдонларида тўйланган маълумотлар асосида қуйидаги хулоса килинди:

-дала тажрибаларида ўрганилган ғўзанинг Андижон-37 навида назорат С-6524 навида нисбатан ялпи хосилдорлиги, тезпишарлиги, теримлар бўйича битта кўсакадаги пахта вазни юкори бўлганлиги кузатилди.

- ер ости сувлари чуқур, ўргача оғир механик таркибли типик бўз тупроқларда экиш схемаси 60 см ли каторларда ғўза навлари экилган ер майдонларида эгат узунлиги йилларнинг келишига сув таъминотига қараб эгат узунлиги 60-100 метрдан ошмаслигини таъминлаш зарур.

-ғўзанинг Андижон-37 навида маъқбул суғориш олди тупроқ намлиги 65-65-60 %, НРК нинг 190-133-95 меъёр нисбатларида 44,8-48,3 ц/га гача юқори сифатли хосил олишга эришилди

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мустафо Б., Ҳамраев Ф.Х Агротехник тадбирларни комплекс қўллашнинг тупроқ унумдорлигига ва пахта хосилдорлигига таъсири. Илмий анжуман ЎзПИТИ 1999й 3 сентябрь. Тошкент, 2001,- б, 91-92.
2. Назаров Р., Якубов М., Тусматов С. Пахта хосилдорлигига кўчат калинлиги ва ўғит меъёрининг таъсири. «Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги» журнали. Тошкент, 2003, 5-сон, 13-14 б.
3. Тиллабеков Б.Х., Б.Ниезалиев, Э.Кодиров, Г.С.Яквалхужаев. «Турли ғўза навларининг хосилдорлигини ошириш усуллари». «Урта ва ингичка толали ғўза навлари агротехникаси» (2003 й 17-18 августда Тошкент вилояти, Кибрай туманида ўтказилган конференция материаллари) Тошкент-2003,- б, 25-30.
4. Тешаев Ш., Қодирхўжаева М. С-6524 ғўза навида маъдан ўғитларни қўллаш муддатлари ва дефолиация самарадорлиги. «Аграр фани хабарномаси» журнали. Тошкент, 2003,- б, 51-55.
5. Ёдгоров Д.С., Азимов С., Икромов М.Л. Сувдан оқилона ва самарали фойдаланиш пахтадан мўл хосил олишнинг гаровидир. Халқаро Атом Энергияси илмий анжумани ЎзПИТИ. Тошкент, 2003,- б, 118-120.
6. Исаев Р., Д.Рашидова, И.Мамедов. “Кўчат сонининг уруғлик пахта хосили, кўсак йириклиги ва чигит вазнига таъсири” Ўзбекистон кишлок хўжалиги журнали Тошкент 2009,- б, 9-10.

ОТ АРДОҒИ

Н.И.Турсунов

ТошДАУ

Қишлоқ хўжалиги соҳасининг тараққиёти мамлакат иқтисодий ривожланишининг асосий омилларидан бирини ташкил этади. Юртимизда халқимиз дехкончилик билан жуда қадим замонлардан бери шуғулланиб келмоқда ва, айтиш мумкинки, бу борада ўзбек дехконлари жуда бой тажрибага эга. Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакат иқтисодий ривожланишини кишлок хўжалигисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, кишлок хўжалиги тараққиётида ҳам соҳа маънавий кадриятларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қишлоқ хўжалигига оид кўплаб халқ оғзаки ижоди намуналарининг яралиши ва ижро этилиши, албатта, халқимизнинг бой маънавий тафаккуридан далолат беради. Бугун биз мана шундай маънавий кадриятларимиздан баъзиларига тўхталиб ўтмоқчимиз. Маълумки, кишлок хўжалиги фақат зироатчилик ёки богдорчиликдан иборат эмас. Унинг чорвачилик деб аталган яна бир йирик соҳаси бор. Бу соҳанинг тармоқларидан бири – бу йилкичиликдир. Шунинг учун биз куйида йилкичилик билан боғлиқ от ардоғи масаласига ҳам қисқача тўхталиб ўтишни лозим топдик. Мутахассислар отлар таризин асримиздан олти миллион йил аввалги даврлар билан боғлайдилар ва уларни қўлга ўргатиш илк бор Марказий Осиёда рўй берган деб ҳисоблайдилар. Бир пайтлар ўзбек қорабайирлари бутун жаҳонга машҳур бўлган.

Ўзбек халқи туркийларнинг иқтисодий, сиёсий, маънавий, маиший турмушида отлар жуда муҳим ўрин тутган. От қадимда ўзбекнинг кадрдон дўсти, унинг узоқ манзиллини яқинлаштирувчи кумакчиси, душман ҳамласидан қутқарувчи ва душманни янчиш учун яқин сафдоши, ёр висолига элтувчи тенгсиз биродари сифатида тилга олинади. Алпомиш ва Ғўрўғлиларнинг энг яқин дўсти, ёрдамчиси, сирдоши ҳам от бўлганлиги барчага айён. Шунинг учун ҳам халқ дostonларини отларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бундай ходиса жаҳон адабиёти, хусусан, фольклор учун типологик ходиса деб аташ мумкин. Шу жихатдан Президентимизнинг “Алпомиш” дostonи муносабати билан айтган куйидаги сўзларини бутун ўзбек маънавиятимизга тааллуқли десак, хато бўлмас: “Алпомиш” дostonи бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, оиламиз кўргонини кўриқлашга, дўст-у ёр, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мазорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади”.

ХI асрнинг буюк тилшуноси, бобоколонимиз Махмуд Қошғарийнинг “Девону лугат турк” – Туркий тиллар луғати асарида “От туркнинг канотидир”, - деган мақолни учратамиз.

МАМЛАКАТИМИЗДА ҚУЁШ ЭНЕРГИЯСИДАН Фойдаланишнинг ИСТИҚБОЛЛАРИ Б.Сапаев, Т.Н.Хушвақтов, Х.И.Каримов, Ш.И.Хамдамов	280
O'ZBEKISTON AGRAR SEKTORINI RIVOJLANTIRISH USTUVOR YO'NALISHI MASALALARI B.S.Sultonov, A.O.Ro'ziev	283
ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШНИНГ ТАРИХИ ВА ХОЗИРГИ ХОЛАТИ Н.Рустамов, Х.Намозов, М.Маматмурадова, У.Фахриева, Д.Отақулова	285
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУПРОҚЛАРИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ Х.Намозов, Г.Рахимова, И.Болтаев, Б.Тиллабеков, Ш.Қаландаров	287
ИНСЕКТИЦИДЛИ ДЕФОЛИАНТЛАРНИНГ ҒУЗА КЎСАКЛАРИНИНГ ПИШИБ ЕТИЛИШИ ВА ОЧИЛИШИГА ТАЪСИРИ Б.З.Тўхтаев, А.А.Қодиров, Ф.Ж.Тешаев, Н.Ражабов	289
ЎРТА ТОЛАЛИ “АНДИЖОН-37” ҒУЗА НАВИНИ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТАДБИРЛАРИ А.А.Қодиров, Б.З.Тўхтаев, Б.Хаитов, Н.Дурдиев	290
ОТ АРДОҒИ Н.И.Турсунов	292
БУҒДОЙНИ ҚУРИТИШ ЖАРАЁНИДАГИ МУАММО ВА ЕЧИМЛАР К.Астанақулов, А.А.Ақбаров, А.Д.Расулов	294
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТ КЎРСАТИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ Д.Д.Рустамов	296
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИ ЎСИШ ЖАРАЁНИНИ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР ЁРДАМИДА ЎРГАНИШ Б.Абдалимов, А.А.Файзиев, Х.Шералиев	298
ХАЖВИЙ АСАРЛАРДА-АДОЛАТ МАСАЛАЛАРИ (Бир адиб асарлари тахлили асосида) Э.Мирзаева, С.Хамдамова, С.Алимов	300
ВИТАМИНЫ В ЭРОДИРОВАННЫХ СЕРОЗЁМАХ Г.Раимбаева, К.Ақбарова, З.Тиллаходжаева	301
ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА ЕРГА ИШЛОВ БЕРИШНИНГ НОАНЪАНАВИЙ УСУЛИ ВА ЭКИНЛАР ҲОСИЛДОРЛИГИ Ш.Ахмурзаев, Б.Тўхташев, Б.Избосаров	303
УРУҒНИНГ УНУВЧАНЛИГИ, РИВОЖЛАНИШИ ВА ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИШИ ХАМДА КАСАЛЛИКЛАРГА ЧИДАМЛИЛИГИГА ХИТОЗАМ ВА УНИНГ ҲОСИЛАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ Ш.Б.Яхшиев, Ф.Т.Абдуллаев, М.Р.Шукируллаева, Г.Акромова	305
ИЗУЧЕНИЕ ВЛИЯНИЯ РАЗЛИЧНЫХ ПОЛОВ НА МОЛОЧНУЮ ПРОДУКТИВНОСТЬ И ЗАБОЛЕВАЕМОСТЬ КОРОВ. А.Қ.Турдиев, М.М.Сафаров	306
АСАЛАРИ ТУХУМИДАН ОНА АСАЛАРИ ЕТИШТИРИШ. А.Холматов, М.М.Сафаров, О.Эшдавлатов, Д.Жўраева	308
КЛАССИФИКАЦИЯ КРИТЕРИЕВ ОЦЕНКИ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ АГРОПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ В УСЛОВИЯХ ИННОВАЦИОННОЙ ЭКОНОМИКИ Т.Х.Ахмедов	310
ФИНАНСИРОВАНИЕ АГРАРНОГО СЕКТОРА ЭКОНОМИКИ - ГЛАВНЫЙ ФАКТОР ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФЕРМЕРСКИХ И ДЕХКАНСКИХ ХОЗЯЙСТВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН Т.Х.Ахмедов	311
ТИКАНЛИ АРТИШОКНИ ЕТИШТИРИШДА МАҚБУЛ КЎЧАТ ҚАЛИНЛИГИНИ ВА АЗОТЛИ ЎҒИТЛАРНИНГ ҚУЛАЙ МЕЪЁРИНИ АНИҚЛАШ Х.Аясов, А.Мурадуллаев, М.Шодманов	312
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИ ТАННАРХИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ МАСАЛАСИ ХАҚИДА Б Ишниязов Б Сафаров З Ишниязов	314